XALQ DEPUTATLARI XO'JAOBOD TUMAN KENGASHI KOTIBIYATI

171400. Xo'jaobod shahar, Uzun ko'cha, tel: (8 374) 741-10-01 faks: 741-21-13, E-maill: xojaobod@andijan.uz

2022 - yil 14 - mart VI-27-33-1-27-K/22 Xo'jaobod tumani hokimligi

Хўжаобод туманидаги Хидирша маҳалла фуқаролар йиғини ўрамида янги фуқаролар йиғинини ташкил этиш ва ташкил этилган фуқаролар йиғини ҳамда кўчаларига ном бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегаларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2014 йил 4 март кунги 48-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрель кунги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ЎРҚ-350-сонли Қонунининг 5, 10, 25, 27, 31-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-, 21 ва 25-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи туман комиссиясининг 2022 йил 21 февралдаги "**Хўжаобод туманидаги Хидирша маҳалла фуқаролар йиғини ўрамида янги фуқаролар йиғинини ташкил этиш ва ташкил этилган фуқаролар йиғини ҳамда кўчаларига ном бериш тўғрисида"ги** № 1 сонли йиғилиш баёни ва шу ҳақдаги туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими раисининг 2022 йил 9 март кунги № 32 сонли хати ҳамда Халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиянинг 2022 йил 11 март кунги 01-сонли баённомаси маълумот ва асос

учун қабул қилинсин.

2. Хўжаобод тумани Хидирша МФЙ ўрамида қуриб битказилган кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун 1 та янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилсин.

3. Янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинига **“Мустақилликнинг 30 йиллиги”** маҳалла фуқаролар йиғини, унинг кўчаларига **“Янги авлод”, ”Боғишамол”, ”Темурийлар”** кўчалари деб ном берилсин.

4. Туман архитектура бўлими, Давлат кадастр агентлиги Хўжаобод туман филиали ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда янги ташкил этилган “Мустақилликнинг 30 йиллиги” маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг “Янги авлод”, ”Боғишамол”, ”Темурийлар” кўчалари ҳудудий чегаларини белгиланган тартибда аниқлаб бериш вазифаси юклатилсин.

5. Янги ташкил этилаётган “Мустақилликнинг 30 йиллиги” маҳалла фуқаролар йиғинига белгиланган тартибда банкдан ҳисоб рақами очишга руҳсат берилсин.

6. Туман ҳокимининг ўринбосари, **м**аҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (А.Мадрахимов)га янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинини рўйхатдан ўтказиб, думалоқ муҳр ва тамға тайёрлашга амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

7. Туман давлат хизматлари маркази (С.Саидов), туман статистика бўлими бошлиғи в.в.б (О.Тохиров)ларга янги ташкил этилаётган Мустақилликнинг 30 йиллиги маҳалла фуқаролар йиғинини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

8. Туман давлат солиқ инспекцияси (И.Қосимов) ва коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан биргаликда янги ташкил этилаётган “Мустақилликнинг 30 йиллиги” маҳалла фуқаролар йиғинида белгиланган тартибда солиқ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Туман молия бўлимига янги ташкил этилаётган “Мустақилликнинг 30 йиллиги” маҳалла фуқаролар йиғинига белгиланган штат бирлиги бўйича маблағ ажратиш, ойлик иш ҳаққи фондини бюджет режасига киритиш топширилсин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Б.Сайдолимов) зиммасига юклатилсин.

Kengash Kotibiyat mudiri, sessiya raisi



Yakubjanovich A. S.